



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 15 » sentabr № 475

Toshkent sh.

### **Ёқилғи-энергетика соҳасида бозор механизмларини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида**

Аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини ёқилғи-энергетика ресурслари билан ишончли тарзда таъминлаш, аҳоли хонадонларида қайта тикланувчи энергия манбалари ўрнатилишини қўшимча рағбатлантириш, ҳамда ёқилғи-энергетика ресурслари нархларининг шаклланишини босқичма-босқич бозор тамойилларига ўтказиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ёқилғи-энергетика ресурсларининг **2023 йил 1 октябрдан** кучга кирадиган **нархлари** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон қарорига мувофиқ электр энергиясининг йирик истеъмолчилари – юридик шахслар томонидан **тунги даврда** (соат 22<sup>00</sup> дан 24<sup>00</sup> гача ва соат 00<sup>00</sup> дан 06<sup>00</sup> гача) фойдаланилган электр энергияси учун тўловлар белгиланган тарифга нисбатан **1,5 баравар миқдорда камаювчи коэффицентни** қўллаш орқали ҳисоб-китоб қилиниши ўрнатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро тариф комиссияси **2023 йил 1 октябрдан** бошлаб:

табiiй газ ва электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш, сотиш тарифларини ҳамда иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш тарифларини;

электр ва иссиқлик энергияси, шунингдек, табiiй газ истеъмолчиларидан ва улгуржи қайта сотувчилардан тушадиган маблағларни тақсимлаш тартибини;

темир йўл транспортида юк ва йўловчиларни ташиш хизматлари ва бошқа тарифларни қайта кўриб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига **иссиқлик таъминоти, сув таъминоти ва оқава сув хизматларига, шаҳар йўловчилар ташиш транспортида** (бундан йўналишли ва йўналишсиз таксилар мустасно) йўловчилар ташиш хизматларига **янги тарифларни белгилаш** тавсия этилсин.

Бунда, иссиқлик таъминоти хизматларининг аҳоли учун белгиланадиган нархлари жорий куз-қиш мавсумида оширилмаслиги белгилансин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги мазкур бандда белгиланган тарифларни қайта кўриб чиқишда нархларнинг асоссиз ошиб кетишининг олдини олиш чораларини кўрсин.

4. Куйидагилар:

**Ёқилғи-энергетика соҳасида бозор механизмларини жорий этиш ишларини мувофиқлаштириш комиссияси** (кейинги ўринларда – Комиссия) таркиби 2-иловага мувофиқ;

**Энергетика инфратузилмасининг барқарор ишлашини таъминлаш бўйича ишчи гуруҳи** (кейинги ўринларда – Ишчи гуруҳ) таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Комиссия:

а) куйидагиларни:

**икки ҳафта муддатда** нефть-газ ва энергетика соҳасини ривожлантириш, ёқилғи-энергетика ресурсларини етказиб бериш сифатини яхшилаш ва уларнинг нархларини такомиллаштиришга оид мавзуларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш бўйича медиа-режани;

**2023 йил 15 октябрга қадар** энергия ресурслари истеъмолини мақбуллаштириш, йўқотишларини камайтириш ва ишлаб чиқаришда энергия самарадорлигини ошириш дастурини;

**2023 йил 20 октябрга қадар** технологик жараёнларни ҳамда материал ва хом-ашё ресурсларини сарфлаш нормаларини, фойдаланиш ва ишлаб чиқаришга оид бўлмаган харажатларни қисқартириш дастурини;

**2023 йил 1 ноябрга қадар** энергетика корхоналарида меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш ва бошқа харажатларни камайтириш ҳисобига ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар таннархини ўртача 8 – 10 фоизга қисқартиришни назарда тутувчи мақсадли кўрсаткичларни;

**2023 йил 15 ноябрга қадар** уй хўжаликларида электр энергияси ва табиий газни тежаш, улардан самарали фойдаланиш лойиҳалари учун 2024 йилда имтиёзли ресурсларни жалб қилиш бўйича чора-тадбирларни;

**2023 йил 1 декабрга қадар** электр энергияси ва табиий газни истеъмолчиларга узатишдаги йўқотишларни ҳисоблаш услубиятини;

**2023 йил 15 декабрга қадар** энергетика корхоналари томонидан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини мақбуллаштириш, уларнинг самарадорлигини ошириш ва харидлар жараёнлари шаффофлигини ташкил қилиш орқали инвестиция харажатларини қисқартириш бўйича чора-тадбирларни тасдиқласин;

б) тизимли равишда:

худудларда тариф ошиши билан боғлиқ муаммоларни олдиндан аниқлаб, уларни жойида ҳал қилиб борсин;

худудларда автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчаларида чакана нархлар кескин ошиб кетишининг олди олиншини таъминласин;

йирик саноат ва инфратузилма объектлари, шу жумладан электр станциялари ёқилғи билан узлуксиз таъминланишини ташкил этсин;

аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини энергия ресурслари билан таъминлашда вужудга келаётган тизимли муаммоларни бартараф этиш чораларини кўрсин;

тарифлар ошишининг иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолига таъсири, шу жумладан истеъмол товарлари нархлари кескин ошишининг олдини олиш, шунингдек иқтисодиёт тармоқлари корхоналарида ишлаб чиқариш таннархини ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга сарф қилинадиган энергия ресурслари миқдорини камайтириш бўйича чораларни белгилаб борсин.

#### **6. Ишчи гуруҳ (Раматов):**

##### **а) тизимли равишда:**

республика ҳудудларида электр энергияси ва табиий газ тармоқлари ҳамда қурилмаларининг ҳолатини ўрганиб, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш бўйича зарур чораларни кўрсин;

электр энергияси ва табиий газ тармоқлари ҳамда қурилмаларини капитал таъмирлаш, реконструкция ва модернизация қилиш ишлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминласин ҳамда мазкур ишларнинг яқунлари бўйича объектларни қабул қилиб борсин;

мазкур вазифаларни амалга оширишда вужудга келаётган муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилиб борсин;

**б) ҳар ўн кунда амалга оширилган ишлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритсин.**

**7. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров, Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси, Солиқ кўмитаси ҳамда Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчаларида:**

ўрнатилган газ ҳисоблаш ускуналари табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимига тўлиқ уланганлигини ва онлайн режимда маълумотлар узатилаётганлигини қатъий назорат қилиб борсин;

ноқонуний уланиш, ёқилғи-энергия ресурсларини талон-торож қилиш ва ноқонуний истеъмол қилишнинг бошқа ҳолатларини, шунингдек, уларни содир этишга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш бўйича назорат тадбирларини янада кучайтирсин;

табиий газни сотишда унинг энг баланд чакана нархи келгуси олти ойда бир куб метр учун 3 250 сўмдан ошиб кетмаслиги бўйича қатъий чоралар кўрсин.

Бунда, онлайн режимда маълумотлар узатмаётган, чакана сотишда чекланган нархнинг асоссиз оширилишига, ноқонуний уланишга, ёқилғи-энергия ресурсларини талон-торож ва ноқонуний истеъмол қилинишига йўл қўйган автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчаларига табиий газ етказиб беришни тўхтатиш чоралари кўрилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 13 февралдаги ПҚ–54-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари Ш.А. Аминов мазкур бандда назарда тутилган чора-тадбирлар ижросини самарали ташкил қилишга шахсан жавобгар эканлиги маълумот учун қабул қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 майдаги ПҚ–157-сон қарорига мувофиқ табиий газ ҳажмининг аниқ ҳисобини юритиш мақсадида табиий газни қабул қилиш ва узатишнинг барча нуқталарига онлайн электрон ҳисоблагичларни ўрнатиш, уларни солиқ органлари ахборот тизимлари билан интеграция қилиш орқали ягона автоматлаштирилган табиий газ ҳаракати тизимини жорий этиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Солиқ кўмитаси ҳамда Энергетика вазирлигига табиий газни қазиб олишдан якуний истеъмолчиларга етказиб беришгача бўлган жараёнларни тўлиқ автоматлаштириш орқали унинг аниқ ҳисобини юритиш бўйича ишлар лозим даражада олиб борилмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров бу борада амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.

9. Белгилансинки, 2023 йил 1 октябрдан бошлаб “UzGasTrade” АЖ, “Худудгазтаъминот” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, “Худудий электр тармоқлари” АЖ, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ ва “Иссиқлик электр станциялари” АЖ корхоналарининг маҳсулот сотишдан тушадиган барча тушумлари Ягона ғазна ҳисобварағида юритилади.

Бунда, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро тариф комиссияси қарорига асосан белгиланадиган маблағлар тақсимоли асосида Ягона ғазна ҳисобварағига **тушган маблағлар шу куннинг ўзида** мазкур корхоналарнинг хизмат кўрсатувчи банклардаги ҳисобварақларига ўтказиб берилади.

Солиқ кўмитаси электр энергияси ва табиий газни якуний истеъмолчиларга сотишдан тушадиган тушумлар мазкур корхоналарнинг Ягона ғазна ҳисобварағида юритиладиган шахсий ғазна ҳисобварақларига тушишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 4-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари 5-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Энергетика вазирлиги ушбу қарорга мувофиқ электр энергияси ва табиий газнинг янги нархлари барча манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотларга етказилишини таъминласин.

13. Белгилансинки, ушбу қарор **2023 йил 1 октябрдан** эътиборан кучга киради.

14. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга **масъул ва шахсий жавобгар** этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири **Ж.А. Қўчқоров** ҳамда энергетика вазири **Ж.Т. Мирзамахмудов** белгилансин.

15. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**



Т/р	Истеъмолчилар номи	Ўлчов бирлиги	Ўлчов бирлиги учун нархлар (ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда, сўм)
	комбинати” АЖ, “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ ва унинг таркибига кирувчи ишлаб чиқарувчи корхоналар, шунингдек, бюджет ташкилотлари учун		
2.3.	Коммунал-маиший эҳтиёжлар учун аҳолига (газни ҳисобга олиш приборлари мавжуд бўлганда)		380
2.4.	Коммунал-маиший эҳтиёжлар учун аҳолига (газни ҳисобга олиш приборлари мавжуд бўлмаганда): а) овқат тайёрлаш ва иссиқ сув таъминоти учун б) иситиш учун		660 380
Ш.	Маиший эҳтиёжлар учун аҳолига сотиладиган суюлтирилган газ	кг	1 120

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил “ 15 ” сентябрдаги 475-сон қарорига  
2-илова

**Ёқилғи-энергетика соҳасида бозор механизмларини жорий этиш  
ишларини мувофиқлаштириш комиссияси  
ТАРКИБИ**

1. А.Н. Арипов – Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири,  
*Комиссия раиси*
2. Ж.Т. Мирзамахмудов – Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири,  
*Комиссия раисининг ўринбосари*
3. *Келтишувга кўра* – Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раиси  
ўринбосари
4. *Келтишувга кўра* – Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори  
ўринбосари
5. Б.Б. Ходжаев – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт  
ва молия вазири ўринбосари
6. Л.Ш. Кудратов – Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар,  
саноат ва савдо вазири
7. А.Д. Ташкулов – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири
8. Ш.Ш. Шарахметов – Ўзбекистон Республикаси Рақобатни  
ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини  
ҳимоя қилиш қўмитаси раиси
9. *Лавозими бўйича* – Ёқилғи-энергетика соҳаси корхоналари  
раҳбарлари

**Изоҳ.** Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга  
янги тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариши юкланган шахслар  
киритилади.

**Энергетика инфратузилмасининг барқарор ишлашини  
таъминлаш бўйича ишчи гуруҳи  
ТАРКИБИ**

1. А.Ж. Раматов – Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ўринбосари, *Ишчи гуруҳ раиси*
2. *Келишувга кўра* – Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари, *Ишчи гуруҳ раиси ўринбосари*
3. П.Р. Бобожонов – Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири
4. *Келишувга кўра* – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раиси ўринбосари
5. Ж.Т. Мирзамаҳмудов – Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири
6. И.И. Норқулов – Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ва молия вазирининг биринчи ўринбосари
7. *Келишувга кўра* – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти директори
8. И.А. Ниматуллаев – Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси бошлиғи, *Ишчи гуруҳ ишчи органи*

**Изоҳ.**

*Ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янги тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариши юкланган шахслар киритилади.*

*Ишчи гуруҳ ишчи органи овоз бериши ҳуқуқига эга бўлмайди.*



Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил “ 15 ” сентябрдаги 475-сон қарорига  
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг  
айрим қарорларига киритилаётган  
ЎЗГАРТИРИШЛАР**

**1.** Вазирлар Маҳкамасининг “Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 12 январдаги 22-сон қарорида:

а) 1-иловада:

67-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

70-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“истеъмолчиларга (маиший истеъмолчилардан ташқари) электр энергиясини етказиб бериш 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Олдиндан ҳақ тўламаган истеъмолчиларга нисбатан электр тармоқларидан тўлиқ узишгача бўлган чоралар кўрилади”;

б) 2-иловада:

105-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

111-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“111. Истеъмолчилар ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин етказиб бериш юзасидан тузилган шартномада кўрсатилган ойлик табиий газ ҳажми қиймати суммасининг 50 фоизи миқдорида газ таъминоти ташкилотининг ҳисобварағига тўловларни олдиндан амалга ошириши шарт. Амалда истеъмол қилинган табиий газ ҳажми учун якуний ҳисоб-китоб ҳисобот ойининг охиригача амалга оширилади”.

**2.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ёқилғи-энергетика ресурсларининг нархлари ва тарифларини ўзгартириш тўғрисида” 2019 йил 30 июлдаги 633-сон қарорида:

а) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. 2019 йил 15 августдан бошлаб Аи-91 маркали автомобиль бензини биржа савдолари орқали сотиладиган тартиб белгилансин”;

б) 4-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил “ 15 ” сентябрдаги 475-сон қарорига  
5-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини  
йўқотган деб ҳисобланаётган айрим қарорлари  
РЎЙҲАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ёқилғи-энергетика ресурслари таъминотида бозор механизмларини жорий этиш тўғрисида” 2022 йил 30 июндаги 348-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирлар Маҳкамасининг “Ёқилғи-энергетика ресурслари таъминотида бозор механизмларини жорий этиш тўғрисида” 2022 йил 30 июндаги 348-сон қарорининг амал қилишини вақтинча тўхтатиб туриш ҳақида” 2022 йил 14 июлдаги 387-сон қарори.